





## FARG'ONA VILOYATI FURQAT TUMANI HOKIMINING QARORI

2021-yil «12» mart

№213-сон

Furqat

Тумандаги "Furqat kitob ziyosi" МЧЖ га "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5466-сонли Фармони ва ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги "Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари" тўғрисида"ги 962-сонли қарорининг 1-қисми билан тасдиқланган "Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида "Yosh tadbirkorlar" коворкинг марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексларини қуриш тизими фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда тизимда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида "Навбахор" МЧЖ Навбахор шаҳарчаси ҳудудидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан умуман фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва "Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ги қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги "Furqat kitob ziyosi" МЧЖ нинг туман ҳокимлигида рўйхатга олинган мўржабати ва туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг "Furqat kitob ziyosi" МЧЖ га кутубхона, китоб савдоси ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қурилиши учун ер майдони ажратиш ҳақидаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. "Furqat kitob ziyosi" МЧЖ га Навбахор шаҳарчаси ҳудудидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси ташкил этиб, кутубхона, китоб савдоси ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун 75,9 квадрат метр ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилсин.

3. "Furqat kitob ziyosi" МЧЖ га "Ёшлар меҳнат гузари" ташкил этиб, кутубхона, китоб савдоси ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноян илоҳот қурилиш Бюро бажармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда ДАКН инспекциясини қурилиш-мониторинг ишларини бошқаришдаги ҳақида хабардор қилиш вазифаси топширилсин.

4. Объект қурилишини лойиҳа асосида амалга ошириш ҳамда қурилиш устидаги техника назоратини ташкил этиш "Furqat kitob ziyosi" МЧЖ раҳбари А.Султонов зиммасига юклатилсин.

5. "Furqat kitob ziyosi" МЧЖ раҳбари А.Султонов зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси ташкил этиб, кутубхона, китоб савдоси ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчасини 1 йил мудатда қуриб битказиб, фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камидан 70 фонин микдорига била бўлмаган ёшларни 5 йил давомида иш билан таъминлаш шарти билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.

6. "Furqat kitob ziyosi" МЧЖ раҳбари А.Султоновга ушбу қарорнинг 5-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва қурилиш ҳаракатлари қопланмасдан ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги ҳисобига қайтарилсин белгилаб қўйилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Ш. Ўлмас ва Р. Ҳамдамоллар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Д.Ж.Салимов

---

2021-03-15 17:46:35